Ушбу сонда:
2 МЕҲР КУНДА КЕРАК
3 БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ
4 ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

# ISHONCH

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 19 ноябр, шанба № 186 (2027)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ФАРМОНИ*

**Р.Э.Мирзаевни Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири этиб тасдиқлаш тўғрисида**

Руслан Эркинович Мирзаев Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири этиб тасдиқлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 18 ноябр

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ФАРМОНИ*

**Қ.Ғ.Ғуломовни Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири лавозимидан озод этиш тўғрисида**

Қодир Ғафурович Ғуломов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири лавозимидан озод этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 18 ноябр

*Ўзбекистон - Россия ҳамкорлиги*

## ТИНЧЛИК ВА ЭЗГУЛИК ЙЎЛИДА

***Ўзбекистон аталмиш ажойиб юртда, бағрикенг, мард, меҳнатсевар ҳамда эзгуликка ташна инсонлар орасида узоқ йиллардан буён умргузаронлик қилиб келаётган инсон сифатида айтадиган гапларим кўп. Аввало шу юртда яшаш, ишлаш, орзуларимни рўёбга чиқариш насиб этганидан беҳад бахтиёрман. Ўзбекистонда турли миллат кишилари ўртасидаги ўзаро дўстлик, ҳамжиҳатликка ҳар ким, ҳар қанча ҳавас қилса арзийди.***

Ҳаёт мураккаб, инсоннинг бошида баъзан ташвишли кунлар бўлади. Ана шунда аввало ўзбек биродарларимдан куч, мадад олдим. Маҳаллий халқ урф-одатлари, турмуш тарзини яхши биламан. Маҳаллалардаги тўй-ю тантаналарда, мустақиллик байрамларида барчамиз бир оила аъзоларидек иштирок этамиз. Инсон борки, аввало тинчлик-хотиржамлик бўлсин, дейди. Чунки осудалик бўлсагина барча орзуларни рўёбга чиқариш мумкин. Ўзбекистон ғоятда бой, кенг имкониятлар мамлакати. Айниқса, истиқлол йилларида республика ҳар томонлама ривожланди. Унинг муваффақиятидан хурсанд бўлаётганлар жуда кўп ва айни пайтда бизни кўролмайдиган, осуда ҳаётимизга раҳна солишга интилаётганлар ҳам йўқ эмаслигини ҳаёт кўрсатди. Демак, ҳар биримиз ҳамиша, ҳар он огоҳу ҳушёр бўлишимиз лозим. Тинчликни сақлаш, мустақилликни мустаҳкамлаш жонажон ишимиздир.

Шу маънода Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги Шартноманинг имзоланишидан бошимиз осмонга етди. Мамлакатларимиз дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларининг анъаналарига таянган ҳолда ўзаро ҳамкорликни энг ишончли, олий даражага кўтарди. Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон ҳам, Россия ҳам илгари бирор давлат билан бундай ҳужжат тузмаган. Шартнома тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ҳурмат ва ишонч тамойиллари асосида ишлаб чиқилганлиги янада эътиборга сазовор. Зеро, Иттифоқчилик муносабатлари деган атаманинг ўзиёқ Ўзбекистон-Россия муносабатларида қандай тарихий ўзгаришлар рўй берганини яққол ифодалаб турибди.

Ўзбекистон рус маданияти маркази раиси сифатида айтишим керакки, республикадаги русийзабон халқ ўз анъаналари ва урф-одатларини тўла сақлаган ҳолда эмин-эркин яшамоқда. Марказимиз томонидан ўтказилаётган «Эзгу ишлар ўн кунлиги» дея рамзий ном олган тадбир тарихий шартнома имзоланаётган кунларга тўғри келди. Ўн кунлик доирасида барча вилоятларда хайрия тадбирлари ўтказилмоқда. Унда уруш ва меҳнат фахрийларига моддий ёрдам ва мадад кўрсатилди. Кимларгадир соғломлаштириш масканларида дам олиб, саломатлигини мустаҳкамлаш учун йўлланмалар берилди. Мактаблар, олий ўқув юртлари, кутубхоналар ва бошқа муассасалар билан ҳамкорликда Россия газета ва журналларига обуна уюштирилди.

Меҳрибонлик уйларидаги хайрия концертлари, турли хил учрашувлар барчада катта таассурот қолдирди. Ўзим Қашқадарё вилояти, Чирчиқ, Олмалиқ шаҳарларида бўлиб, дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилган тадбирларда иштирок этдим. Ўн кунлик бугун консерваториянинг катта залида «Русские Узоры» республика халқ ижодиёти фестивали билан мантиқий якунига етади. Унда вилоятлардан ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидан келган ижодий жамоалар ўз санъатини намойиш этадилар. Фестивал Тинчлик ва Дўстлик тимсоли сифатида намоён бўлиб, кўп миллатли кишилар ўртасидаги ришталарни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Зеро, миллатлар ўртасидаги дўстлик, тотувлик давлатлар ўртасидаги яхши муносабатларга мустаҳкам пойдевордир.

**Светлана ГЕРАСИМОВА,**
**Ўзбекистон Рус маданияти маркази раиси**



## «ЎЗЭЛЕКТРОАППАРАТ» ҚЎШМА КОРХОНАСИДА

***Корхона цехларини айланиб, ишчи-хизматчиларга синчков назар ташлайман. Қиёфаларидаги мамнунлик, ўз ишидан, ҳаётидан рози эканликларини англайман-да, қалбим жунбушга келади. Ҳа, яхши даврда, ҳамма ҳавас қиладиган мамлакатда яшаш, корхонада ишлаш кимга ҳам ёқмайди, дейсиз. Ёшлар билан мулоқотлар чоғида «Бу бахтли онларнинг қадрига етинг», деган фикрлар кўп айтилади. Унинг замирида чуқур маъно бор.***

Ўзбекистон-Британия-Россия қўшма корхонасида 270 нафарга яқин турли миллат кишилари ишлашади. Маҳсулотларимиз — харидоргир электр асбоблари ва жиҳозлари. Кўрсаткичлар йил сайин яхшиланиб бормоқда. Корхона маъмурияти, касаба уюшма ташкилоти инсонларга алоҳида меҳрибонлик кўрсатишга ҳаракат қилмоқда. Ҳаммаси иқтисодга бориб тақалади. Бозор шароити ва талабининг ҳисобга олиниши, маҳсулотларнинг сифатлилиги туфайли бир ойлик иш ҳажми 130 миллион сўмни ташкил этмоқда. Ишчиларнинг ўртача ойлик маоши 90 минг сўмга борди.

Ишчи-хизматчиларимиз Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги Шартнома имзолангалигини зўр хурсандчилик билан қарши олдилар. Ана шу муносабат билан матбуотда эълон қилиб борилаётган мақолалар, телевидениедаги кўрсатувларни қизиқиш билан кузатиб бормоқдамиз.

— Ҳозирги даврда ёлғиз, яқин-узоқ қўшнилардан айри ҳолда яшаб бўлмайди, - дейди 12-цех ишчиси, ёшлар мураббийи Рашид Усмонов. — Аммо содиқ дўст, ҳамкор топишнинг ўзи бўлмайди. Россия билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларга келсак, у йиллар синовидан ўтган. Зеро, икки мамлакат Президентларининг Санкт-Петербургдаги мулоқоти чоғида ўзаро муносабатларни минтақада юзага келган вазиятни ҳисобга олган ҳолда янги сифат босқичига кўтариш пайти келганлиги алоҳида таъкидланганди. Энди мамлакатларимиз хавфсизлигини мустаҳкамлаш, ҳар қандай тахлика ва хавф-хатарга қарши туришда қудратли кучга эгамиз. Бу фикрни слесар Юрий Кирилов, етакчи мутахассис Раиса Козлова, қўли гул уста Маҳмуд Ғозиев, малакали ишчи Татьяна Репкина ҳам қўллаб-қувватладилар.

— Гуманитар соҳадаги алоқалар ҳам янада кенгайишини эшитиб ўзимда йўқ қувондим, - дея дил сўзини изҳор этди йиғув цехи ишчиси Қодиржон Бойбоев. — Хусусан, келгуси йили Тошкентда Москва Давлат университетининг бўлими ўз фаолиятини бошларкан. Демак, болаларимиз илм олиб, яхши мутахассис бўлиб етишишлари учун янада кенг имкониятлар яратилади.

Мустаҳкам ижтимоий ҳимояга олинган, соғлиқ-саломатлиги ҳақида алоҳида меҳрибонлик кўрсатилаётган ишчи-хизматчигина баракали меҳнат қилади. Бу масалалар корхонада яхши йўлга қўйилган, деб айта оламан. Меҳнат муносиб равишда рағбатлантирилмоқда. Масалан, 30 нафарга яқин малакали ишчига бир миллион сўмдан ортиқ мукофот берилди. 76 нафар ишчи-хизматчи соғлиғини тиклаши учун 6 миллион 384 минг сўм ажратилди. Кишиларимиз «Нов», «Семурғ» каби санаторийларда кўнгилли дам оладилар. Ишловчиларнинг фарзандлари ёзги таътилни «Зафар» деб номланган сўлим оромгоҳда ўтказадилар.

Корхона раҳбари Филип Пилипенко касаба уюшма ташкилотига ёрдамини аямайди. Қандай таклиф, ташаббус билан кирмайлик қўллаб-қувватлайди. Кўп миллатли кишилар ўртасидаги ҳамкору ҳамжиҳатлик яхши самаралар бермоқда. Маҳсулотларимизга бўлган талаб ортаяпти. Ҳозирда улар Россия, Қирғизистон, Озарбайжон каби қатор мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

**Муқаддас МИРЗАРАҲИМОВА,**
**қўшма корхона касаба уюшма қўмитаси раиси**



## ВАТАНГА ХИЗМАТ - ШАРАФЛИ БУРЧ

**Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш - Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар.**

Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг 52-моддаси

Президент Ислом Каримовнинг шу йил 2 сентябрда қабул қилган «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги қарорига асосан жойларда ёшларни армияга кузатиш ҳамда хизматни ўтаб бўлган ёшларни тантанали кутиб олиш маросимлари қизғин давом этмоқда.

Тошкент темирйўл вокзалида ана шундай чегарачи-аскарларни тантанали кутиб олиш маросими бўлиб ўтди. Юртимизнинг жанубий сарҳадларини мардонавор қўриқлаб, ўзининг Ватан олдидаги йигитлик бурчини ўтаган йигитларни Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси ходимлари, ота-оналар ва жамоатчилик вакиллари карнай-сурнай садолари остида кутиб олди.

**(Давоми 2-бетда)**

## БАЙРОҒИМИЗ - ФАХРИМИЗ

***Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан давлатимизнинг муқаддас рамзларидан бири - Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинганига 14 йил тўлди.***

Шу муносабат билан Республика «Маънавият ва маърифат» марказида «Байроғимиз - фахримиз» мавзуида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Уни Республика «Маънавият ва маърифат» маркази, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Давлат консерваторияси ҳамда Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти ҳамкорликда ташкил этди.

Тадбирда сўзга чиққан Республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари Қуддус Аъзам, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров ва бошқалар байроғимиз том маънода мамлакатимиз мустақиллигининг тимсоли эканини, унда халқимизнинг эзгу орзу-умидлари, анъана ва қадриятлари, қудрати ва салоҳияти акс этганини таъкидладилар.

Бугунги кунда байроғимиз нафақат юртимиздаги турли давлат идора ва ташкилотлари, таълим муассасалари, ҳарбий қисмларда, балки Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлардаги элчихона ҳамда ваколатхоналарида, нуфузли халқаро ташкилот қароргоҳларида ҳилпираб турибди. Айни пайтда байроғимизни ҳамюртларимиз иштирок этаётган халқаро миқёсдаги сиёсий, маданий-маърифий тадбирлар ва спорт мусобақаларида кўриш ҳар биримизга чексиз ғурур ва ифтихор бағишлайди. Қуролли Кучларимиз сафига чақирилган, ҳарбий таълим муассасаларини тамомлаган ёшларимиз ҳам айнан Давлат байроғимиз олдида юртни кўз қорачиғидек асрабавайлашга, Ватанга муносиб фарзанд бўлишга қасамёд қилади.

Тадбирда «Истиқлол ва миллий байроқ», «Байроғимиз - фахримиз», «Давлат байроғи ва ҳарбий ҳаёт» каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Анжуман якунида Ўзбекистон Давлат консерваторияси талабаларининг мусиқий дастури намойиш этилди.

**(ЎзА)**

## АҲОЛИ ЗИЧ ЖОЙЛАШГАН ЕРДА

***Навоий вилоятининг энг йирик, аҳоли зич жойлашган туманларидан бири - Хатирчида ёшларни тарбиялаш, уларга чуқур билим бериш учун зарур шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.***

Абдураҳмон Пўлатов номидаги ширкат хўжалигида уй-жой коммунал хўжалиги йўналишидаги касб-ҳунар коллежининг ишга тушиши қишлоқ ёшларини беҳад қувонтирди. Коллежни «14-кўчма механизациялашган жамлама» ҳиссадорлик жамияти қурувчилари бунёд этди.

Бу тумандаги тўртинчи коллеж бўлиб, 900 ўқувчига мўлжалланган. Замонавий талаблар асосида жиҳозланган 30 та синфхона, фан кабинетлари, компьютер ва лингафон хоналари, спорт зали, кутубхона, лаборатория ва устахоналарни ўз ичига олган билим даргоҳида бухгалтерия-аудит, тикувчилик, газ жиҳозларини ўрнатиш ва таъмирлаш, транспорт воситаларидан фойдаланиш ва таъмирлаш, қурувчи каби йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрланади.

*Қиш яқин, шаймисиз?*

## БАҲОНА БИЛАН УЙ ИСИМАЙДИ

***Қашқадарё вилоятида Юртбошимизнинг «Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичи тўғрисида»ги Фармони, ҳукуматнинг «Уй-жой мулкдорлар ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар ҳақида», «Коммунал хизматлар тарифларининг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари изчиллик билан амалга оширилаётганлиги хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширишимкониятини бермоқда.***

Тармоқда ислоҳотларни жадаллаштириш ва ширкатлар фаолиятини такомиллаштириш учун 3 та уй-жой мулкдорлари уюшмаси ташкил этилиб, улар таркибига 54 та ширкат, 18 та таъмирлаш ва қайта тиклаш корхоналари киритилди. Бу тузилмаларга 2,8 миллион сўмлик моддий техника манбалари ва нотурар жойлар ажратиб берилди. Янгидан 17 та уй-жой мулкдорлари ширкатлари тузилди.

Мавжуд ресурсларни тежаш мақсадида уй-жой фондига 102 минг 272 дона газ, 11 минг 969 дона сув ўлчаш ускуналари, 8 минг 601 та электр энергияси миқдорини ўлчаш электрон асбоби ўрнатилди.

Хизматлар кўрсатиш тарифларини ўстирмасликни назарда тутиб барча истеъмолчилар хатловдан ўтказилди. Электр энергияси, табиий газ, ичимлик ва иссиқ сув бўйича ноқонуний истеъмолчилар аниқланиб, зарур чоралар қўлланилди.

Жорий йилда 184 та кўп қаватли уй-жойлар таъмирланиши режалаштирилган. Бунинг учун 1 миллиард 335 миллион сўм бюджет ва 572 миллион сўм бюджетдан ташқари манбалардан маблағ ажратиш кўзда тутилган. Йилнинг ўтган ойларида 180 га яқин уй-жой капитал таъмирдан чиқарилди.

Бултур қишда турар-жойларни иситиш талаблар даражасида олиб борилмади. Вилоят ҳокимлиги йўл қўйилган нуқсонларни бартараф этиш учун иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа муассасалари ва уй-жойларни 2005-2006 йил куз ва қиш ойларига тайёрлашни таъминлашга қаратилган махсус қарор қабул қилиб, дастур ишлаб чиқди. Айни пайтда амалга оширилган ишлар ҳар ҳафтада таҳлил этилиб, камчиликларни бартараф этиш тадбирлари белгиланяпти. Ҳозирга қадар 8 та қозонхона, 11,5 километр иссиқлик, 31,7 километр газ ва 6,3 километр ичимлик сув тармоқлари, 64 та умумий таълим мактаби, 12 та болалар боғчаси, 9 та касалхона мукаммал таъмирланди. 26,4 минг тонна кўмир, 1600 тонна суюқ ёқилғи жамғарилди. Табиий газ етиб бормайдиган 425 та қишлоқ аҳоли масканларининг эҳтиёжлари ўрганиб чиқилиб, ёқилғининг муқобил турларини етказиб бериш чоралари кўрилди.

Шунга қарамасдан Президент Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари талаби асосида кузги-қишки мавсумни ўтказиш учун ҳали кўп ишларни амалга оширишга тўғри келади.

Чунки шаҳар ва туманларнинг барчасида ҳам қишга ҳозирлик кўриш яхши ташкил этилган, деб бўлмайди. Энг муаммоли томони коммунал тўловлардан аҳоли ва корхона, ташкилот, муассасаларнинг қарзи ошиб кетганлигидадир. Биргина «Қаршишаҳаргаз» филиалида қарздорлик миқдори 635 миллион сўмга етган. Аҳолига йиллар давомида етказиб берилган газнинг камида 50 миллион кубометри учун ҳозиргача бир тийин ҳам олинмаган.

Алишер Навоий номли маҳалла Гулмачит кўчасида яшовчи Ш.Акбаровнинг 187 минг, Арабхона маҳалласида истиқомат қилувчи К.Ҳамроевнинг 218 минг, Гулшан маҳалласидан Т.Комиловнинг 137 минг сўм газ тўловларидан қарзи бор. Биргина Арабхона маҳалласи фуқароларининг қарзи 30,4 миллион сўмга етганлиги ташвишли ҳолдир.

Кейинги ойларда Қарши шаҳри аҳолисининг табиий газдан қарздорлиги 77 миллион сўмга ошди. Бунинг устига улгуржи истеъмолчилар корхона, ташкилот ва бошқа юридик шахсларнинг қарзи 2,5 бароварга кўпайиб, 563 миллион сўмга етди. Қарздорликнинг асосий қисми «Иссиқлик манбаи» акциядорлик жамияти ҳиссасига тўғри келади.

Улгуржи истеъмолчилар орасида газ тармоғига ноқонуний уланиб олганлар сони кўпаймоқда. Қарши шаҳридаги Посбонлар кўчаси 7-уйда норасмий ишлаб турган новвойхона мутасаддиси Б.Абдираҳмонов бир ой давомида минг кубометр «зангори олов»дан фойдаланган. Қарши-Бешкент йўлининг биринчи километрида жойлашган «Шабада» ошхонасида тармоққа ноқонуний уланган учта газ ўчоғи ишлатилган. Бундай новвойхона, ошхона, иссиқхона, ишлаб чиқариш корхоналари ва яширин цехлар юздан ортиқ.

Уй-жой коммунал хўжалиги иқтисодиётнинг ўзига хос соҳаси ҳисобланади. «Пахтазор» уй-жой мулкдорлари ширкатида фуқароларнинг коммунал тўловларидан қарзи 4 миллион сўмдан ошиб кетган. Иссиқ ва совуқ сув келадиган қувурлар чириб кетган.

«Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади» деганларидек, шаҳардаги «Нефтчи» мулкдорлар ширкатида иситиш тармоқлари мавсумга барвақт тайёрланган. Ширкат электр пайвандлаш ускуналари, чиқинди ташийдиган машиналар билан таъминланган. Бундай ибратли юмушларни бошқа ширкатларда ҳам амалга оширилса, нур устига аъло нур бўлур эди.

Шаҳарнинг «Ойдин», «Пахтазор» ва «Пахтазор-I» маҳаллаларида 25 мингга яқин аҳоли яшайди. Фуқаролар коммунал хизмат соҳасида жиддий муаммоларга дуч келишаяпти. Айрим уйлар қишки мавсумда тўлиқ иситилмайди. Истеъмолчилар «Иссиқлик манбаи» раҳбариятига мурожаат этганларида, «Қувур эскирган, қозонхоналар таъмирталаб, газ босими паст» қабилидаги баҳоналарни рўкач қилиб, бу йилги мавсумда иситиш тармоқлари фаолияти яхшиланади, деб ваъда беришади. Аслида ишга жиддий ўзгариш ясалгани йўқ.

Воҳанинг Шаҳрисабз шаҳри, Яккабоғ, Қамаши, Миришкор, Деҳқонобод каби туманларида уй-жой хўжалиги қишга пухта тайёрланмаганлигини ҳеч ким инкор этмайди. Коммунал соҳада тартиб ўрнатиб, аҳолига намунали хизмат кўрсатиш, тўловларни вақтида ундириш, қиш давомида иссиқлик, сув, газ, электр энергияси тармоқларининг тўла қувват билан ишлашига эришиш халқ фаровонлигига хизмат қилади.

**И.ҚАРШИЕВ**

## БИРЖА САВДОСИ АВЖИДА

***Навоий вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётга бозор муносабатларини кенг жорий этиш борасидаги ишлар ўз натижасини бермоқда. Республика товар-хомашё биржасининг вилоят филиали фаолияти бунга яққол мисол бўла олади. Жорий йилда Қизилтепа, Нурота, Хатирчи туманлари ва Зарафшон шаҳрида мазкур филиалнинг савдо майдонлари ишга тушди.***

Филиал директори Нуриддин Мирзаевнинг айтишича, бу йилги савдо ярмаркаларида вилоят корхона ва фирмаларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга хорижлик ҳамкорлар ҳам харидор бўляпти. Ҳозиргача қарийб 300 тонна пахта толаси, 140 тонна ёғ ва бошқа маҳсулотлар экспорт қилинди.

Айни пайтда биржа савдосида «Навоийазот» очиқ акционерлик жамияти, «Навоий электрокимё заводи» қўшма корхонаси, «Қизилқумцемент» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг бир неча турдаги маҳсулотлари, тўрт минг тоннадан зиёд пахта толаси сотувга чиқарилди.

**Йўлни – иқтисодиёт қон томирига қиёслашади. Айни чоғда у ободончилик, маъмурчиликка хизмат қилиши ҳам шубҳасиз. Фикримиз далили сифатида мирзачўлликлар талқинида «олмос камар» мақомини олган улкан бунёдкорлик хусусида ҳикоя қилишни лозим топдик.**

*Бунёдкорлик*

# МАФТУНКОР ЙЎЛЛАР

репортаж

Қарийб беш йилдирки Сирдарё йўлсозлари улкан бунёдкорлик билан машғул. Тор, эгри-бугри иккинчи тоифали 4Р-29 «Гулистон-Гагарин» автомобил йўли жаҳон андозалари асосида қайта қурилди. Деярли 35 километрлик масофа тупроқ кўтармаси, қум ва чақилган тош аралашмаси билан бир текси ҳолатга келтирилди. Йўл бўйларидаги қишлоқ ва маҳаллалар ободонлаштирилди. Мевали-манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Йўл атрофида боғзорлар барпо этиш чора-тадбирлари кўрилаяпти. Яхши ишларни кўриш, тилга олиш ҳам савоб. Тармоқ касаба уюшма кенгаши вакили Абдували Жамолов билан якунланаётган йўл қурилишини кўздан кечирдик.

– Мана бу кўҳна Мирзачўл қишлоғи, - дейди Абдували ака аҳоли пункти остонасига қадам қўйгач. – Янги йўл шарофати билан қишлоқ шаҳар қиёфасини олди. Жин кўчалар равон тортиб, режасиз иморатлар ўрнида янги бинолар қад ростлади. Бир пайтлари 2-3 минг аҳолига 1 та гўшт растаси хизмат кўрсатган бўлса, айни чоғда улар сони 6 тага етди. 10 дан ошиқ савдо шохобчалари, замонавий тиббиёт маскани, автомобилларга ёнилғи қуйиш, техник хизмат кўрсатиш шохобчалари ишга тушди. Йўловчилар ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар муҳайё этилган ошхона, кафе-барларни айтмайсизми. Маҳалла гузари, қарийб 3 километрга яқин пиёдалар йўлакчалари атрофида гулзорлар барпо қилинаяпти. Йўлнинг хосияти кўп экан.

Ҳамроҳимизнинг таърифу-тавсифида жон бор. Қовун-қовунни кўриб ранг олади, деганларидек аксарият мирзачўлликлар бежирим, ҳашамдор иморатлар қуришни ҳам қойиллатишаётган экан. Эски тому тезакхоналардан воз кечиб, киши ҳавасини қўзғатадиган уйлар қуришяпти. Ахир бу йўлдан кимлар ўтмайди, дейди улардан бири. Сафар давомида йўл атрофидаги қишлоқларнинг барчасида ўзига хос тадорикни кузатдик.

Йўл қурилишида мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган йўлсозлар ҳиссаси бор. Хусусан, 2 та улкан кўприкни қўқонлик ва наманганлик мутахассислар маромига етказиб уддалаган бўлса, Самарқанд, Жиззах, хоразмлик йўлсозлар тош, қум, тупроқ ташиш юмушларида елкадош бўлган. Пойтахт йўлсозлари эса асосий юкни кўтарган. Тошкент вилоятидаги асфальт заводи хом ашёдан қўллаб турибди.

Юмушнинг каттаси барибир Янгиер асфальт заводига тушди. Улар амалдаги йилнинг ўзида қарийб 200 минг тоннага яқин сифатли асфальт етказиб беришди. Эътиборли жиҳати шундаки, хомашё заводга қарашли карьердан олинганлиги сарф-харажатларнинг камайишини таъминлади. Биргина ўтган йилнинг ўзида талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда янги заҳиралар излаш, ўзан ахтариш натижасида янги хомашё базаси топилди. Боёвут қишлоғидаги қум карьерининг ишга туширилиши йўлсозлар заҳматини енгиллаштирди. 25 йиллик бу дафина ҳали анча йиллар Сирдарё йўлсозлари жонига оро кириши шубҳасиз.

Йўл қурилишида иштирок этаётганларга унумли меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. 500 нафарга яқин бунёдкорлар уч маҳал бепул иссиқ овқат, мавсумий оромгоҳ, ётоқхона билан таъминланган. Уларга ойлик маошига қўшимча тўловлар жорий этилган. Хавфсиз иш шароити яратиш маъмурият эътиборидан четда қолмади, албатта. Йўл қурилишида 175 погонаметр қувурлар узайтирилиб, 263 погонаметрлик янги қувурлар ўрнатилган. Сув новлари, бетон тўсиқлар, 135 тадан ортиқ йўл белгилари рисоладагидек қўйилди.

Айни чоғда йўл қурилишида якунловчи босқичга киришилган. Ҳадемай йўловчи-ю, ҳайдовчи жонига роҳат бахш этувчи трассада ҳаёт қайнайди.

**Н.ШАМСИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Қарор ва ижро*

# ОИЛА - МУҲАББАТ ҚАСРИ

Оила - икки инсоннинг истаги билан бунёд этиладиган бино. Унинг пойдевори пишиқ бўлса кўпга ва кўп йилларга хизмат қилади. «Соғлом авлод - соғлом жамият» деб юритилишининг моҳияти ҳам ана шунда.

Оила Кодексининг 17-моддасида никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўрикдан ўтиши белгилаб қўйилган. Турмуш қураёшларни тиббий кўрикдан ўтказиш, уларга керакли маслаҳатлар бериш 15 кун ичида амалга оширилиши лозим. Бундан кўзланган мақсад соғлом оилани барпо этиш, турли хил ирсий ва туғма касалликлардан зурриёдни асрашдир.

Вазирлар Маҳкамасининг «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида»ги қарори ана шу мақсадларни назарда тутади.

Избоскан туманида амалдаги йилнинг ўтган даврида 414 дан ортиқ никоҳ қайд қилинган бўлса, уларнинг барчаси туман марказий поликлиникаси қошидаги «Оила ва никоҳ» хонасида тиббий кўрикдан ўтказилди. ФХДЁ бўлими қошида «Ёш оила» мактаби ташкил этилган бўлиб, бу ерда бўлғуси келин-куёвлар оила сирларидан огоҳ бўладилар. Шу йилнинг ўзида 370 жуфтлик мактабда сабоқ олди. «Оилавий ҳаёт ва репродуктив саломатлик», «Никоҳ шартномаси», «Ёшларнинг ахлоқий ва жинсий тарбияси», «Куёв-келиннинг вазифалари» сингари мавзуларда ўтказилган машғулотлар уларда катта таассурот қолдирди.

Билимсизлик ва ўз ҳаётига эътиборсизлик кўпгина ғам-ғуссаларнинг илдизидир. Тиббий кўрикдан ўтмаслик ҳам шулар сирасидан. Сир эмас, баъзи ҳолатларда тиббий кўрикдан ўтмай, лоқайдлик қилинади. Пировардида эса кўнгилсизлик келиб чиқади. Бунга мисоллар кўп. Хусусан, бир йигит билан бир қиз турмуш қурмоқчи бўлишди. Улар тиббий кўрикдан ўтказишга йўналтирилди. Буни қарангки, улардан бирининг соғлиги дуруст эмас экан. Бир йилдан сўнг у даволаниб қайтди. Шундан кейингина расмий никоҳ қайд этилди. Касални даволашдан кўра унинг олдини олган афзал, деб бежиз айтмайдилар. Шунга биноан қатор профилактик ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирда бундай эзгу ишга маҳалла маслаҳатчилари, хотин-қизлар фаоллари катта эътибор бермоқда. Жойларда ўтказилаётган учрашув-мулоқотлар самарали бўлаяпти. Шу йилнинг ўзида тиббий кўрикдан ўтмаган бирорта ҳам никоҳ қайд этилгани йўқ.

**М.ЎРИНОВА**



Самарқандда «HTN» шўъба корхонасининг иш бошлаганига кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин шу қисқа муддат ичида у фаолияти билан харидорлар эътиборига тушиб улгурди.

Шўъба корхона майиз маҳсулотларини харидорларга етказиб беришга ихтисослашган. Айни кунда бу ерда қирқ беш нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Улар ҳозир 12,5 ва 14 килолик идишларда қандолатчилар учун ярим тайёр маҳсулот, ювилган, сараланган, кунгабоқар мойи билан мойланган сариқ ва қора майизларни Россияга пешма-пеш жўнатмоқда.

**Суратларда: ишчи Д.Ҳамидова; ишчилар М.Аҳмедова ва С.Набиева.**
**Т.НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар**



«Бухоро-палас» меҳмонхонасида Абу Али ибн Сино таваллудининг 1025 йиллиги муносабати билан нейрохирургларнинг халқаро илмий анжумани бўлиб ўтди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бухоро тиббиёт институти ва Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг вилоят филиали ташаббуси билан ташкил этилган мазкур анжуман соҳадаги янгиликлар ва уларни амалда самарали қўллаш мавзуига бағишланди.

## ШИФОКОРЛАР АНЖУМАНИ

Семинарда сўзга чиққан мамлакатимиз ва Россия олимлари умуртқа поғонаси, бош мия ва орқа миядаги жароҳатларни даволаш, хавфли ўсимталарни олиб ташлашда замонавий усул ва воситалардан фойдаланиш каби масалалар хусусида ўзаро фикр алмашди.

- Мамлакатимизда тиббиётнинг нейрохирургия соҳаси ривожланиб бормоқда, - дейди Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош нейрохирурги, профессор Козим Маҳкамов. - Умуртқа диски жароҳатларини даволаш, бош миядаги ўсимталарни йўқотиш бўйича анча тажриба орттирилди.

Анжуманда ана шу йўналишда тажриба алмашиш баробарида касалликларни дастлабки босқичда аниқлаш ва тўғри ташхис қўйиш, операцияларни янада муваффақиятли амалга оширишда замонавий тиббий асбоб-ускуналардан самарали фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу куни «Шошилинч тиббиётда ташхис қўйиш ва даволашнинг каминвазив усуллари» мавзуида ҳам халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Анжуманда мамлакатимиз ҳамда Россия, Франция ва Грузиядан келган етакчи олим ва мутахассислар, тажрибали шифокорларнинг шошилинч тиббий ёрдамни ташкил этиш, фавқулодда ҳолатларда беморларни даволашнинг долзарб муаммолари ҳақидаги маърузалари тингланди.

Замонавий тиббиётда каминвазив усул - яъни беморнинг баданига ортиқча жароҳат етказмаган ҳолда жарроҳлик операцияларини амалга ошириш ҳар томонлама қулай ва самарали экани ойдинлашиб бораётир.

# ВАТАНГА ХИЗМАТ - ШАРАФЛИ БУРЧ

(Боши 1-бетда)

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда бугун ҳарбий хизмат шарафли бурчга айланганини алоҳида таъкидлашди. Армиямизда олиб борилаётган ислоҳотлар, унинг профессионаллашуви, ҳукуматимиз томонидан ҳарбийларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ёшларнинг соҳага бўлган қизиқишини оширмоқда. Президент Ислом Каримовнинг жорий йилнинг 19 апрелида қабул қилган «Ўзбекистон Республикасида ҳарбий таълим тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармойиши олий ҳарбий таълим сифатини мутлақо янги босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда. Унга биноан ҳарбий билим юртларига курсантлар ва тингловчиларни қабул қилишнинг ўзгартирилган, янги муддатлари белгиланди.

- Авваллари фарзандларимизни узоқ ўлкаларга ҳарбий хизматга кузатиб, қайтишини минг бир хавотир билан кутардик, - дейди Қибрай тумани Арғин қишлоғида яшовчи Мавжуда опа Ҳожиева. - Истиқлол туфайли бугун болаларимиз, худди уйимизда юрганидек, ўз юртимизда, яхши шарт-шароитларда ҳарбий хизматни ўтамоқда. Бундан бир йил муқаддам ўғлимиз Комилжонни ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросимига борғандим. Мана, бир йил ўтиб, у яна бағримизни тўлдириб турибди. Мен мард ва жасур чегарачи-аскарнинг онаси эканимдан фахрланаман.

Юртбошимизнинг 2005 йил 31 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муддатли хизматдан қайтган ёшларимиз учун янги имкониятлар эшигини очди. Қарорда белгиланганидек, бундай фуқаролар республика олий ўқув юртларига ўқишга киришда тест синовларида тўпланадиган энг кўп баллнинг 25 фоизи миқдорида қўшимча балл олиш имтиёзига эга бўлади. Бундан ташқари, ҳарбий қисм қўмондонлиги тавсияномасига эга бўлган, бироқ танлов давомида (тест синови) керакли баллни тўплай олмаган муддатли ҳарбий хизматни ўтаган абитуриентлар ўқишнинг педагогика, қишлоқ хўжалиги, табиий-илмий ва техник йўналишлари бўйича олий таълим муассасаларига тўлов-контракт асосида қабул қилинади.

Чегара қўшинларида ўз йигитлик бурчини аъло даражада ўтаган Марат Умарохунов ҳозирданоқ олийгоҳга кириш тараддудини кўрмоқда. Чегарачи-аскар зиммасига юкланган барча ҳарбий топшириқ ва вазифаларни шараф билан уддалаб, командирлари ишончини оқлади ва ҳарбий қисм қўмондонлигининг тавсиясига эга бўлди. Келажакда у Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юртига ўқишга кириб, ҳарбийликни бир умрлик касбга айлантирмоқчи.

- Ҳарбий хизмат тўнғич ўғлимиз Азизжоннинг тақдирида чуқур из қолдирди, - дейди чирчиқлик Йўлдош Обидов. - Шу боисдан, ўғлим ички ишлар идораларида ишлашга қарор қилди. Мен ҳам унинг келгусида юртимиз тинчлиги, халқимизнинг осуда ҳаётини шараф билан ҳимоя қилишини чин дилдан истайман.

**(ЎзА)**

**Каттақўрғон шаҳар ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи Шермамат Ҳамидов бошқарувидаги автомашина О.Мирий кўчасининг 119-уйи ёнида тўхтади. Бу хонадонда якка-ёлғиз онахон Раҳима Мирзаева истиқомат қилади. Ая Шермаматни очиқ чеҳра билан қаршилади.**

*Меҳр кунда керак*

# БУ УЙДА КИМ ЯШАЙДИ?

– Умрингдан барака топ, болам – дея алқади онахон. – Мени йўқлаб келган бўлсанг, сени Оллоҳ кам қилмасин. Мен сизлардан миннатдорман.

Шу куни Шермамат Ҳамидов II гуруҳ ногирони Ойтула Эшмуродова, меҳнат фахрийлари Татьяна Ведяшкина, Анастасия Павленколардан ҳам хабар олиб, уларнинг дуосини олди.

Ижтимоий таъминот бўлими вакиллари учун бу одатий ҳолга айланиб қолган. Шаҳардаги 53 нафар якка-ёлғиз кексаларга ижтимоий таъминот бўлими вакиллари биркитилиб қўйилган, ҳар 8-9 нафар кексага бир киши хизмат кўрсатади.

– Ўн беш йилдан буён ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўлимида меҳнат қиламан, 8 нафар якка-ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олиш менинг зиммамда, – дейди Гуландон Фаёзова. – Уларнинг орасида I ва II гуруҳ ногиронлари, бетоблари бор. Ҳар гал улар истиқболига шошилар эканман, хабар олгач, кўнглим жойига тушади, уларга бўлган ҳурматим янада ошади. Г.Фаёзова шаҳарнинг Зарифобод маҳалласидаги «Ўзбекистон» кўчаси 117-хонадонда истиқомат қилаётган I гуруҳ ногирони Анна Павленко, Бобур кўчаси 7-уй 3-хонадонда яшаётган Алия Шариповалар ҳузурида бўлиб, уй юмушларига кўмак беради. Сайёра Холмуродова ҳам 8 нафар якка-ёлғиз пенсионерларга хизмат кўрсатади. Уни тез-тез Дўстлик, Арабхон, Чордара маҳаллаларида учратасиз. Бу ерда истиқомат қилаётган Вера Бханова, Ольга Содиқова, Асма Галиева, Наташа Алмаева, Анастасия Клемёнова сингари якка-ёлғиз пенсионерлар, меҳнат фахрийлари Сайёра опани чуқур ҳурмат билан тилга олишади. Маҳбуба Содиқова, Ғайрат Аҳмедов, Мукаррам Аршетдинова, Лайло Зубайдуллаева, Садоқат Рўзиева сингари ижтимоий соҳа вакиллари ҳам кексалар дуосини олишмоқда.

Шермамат Ҳамидов автомашинасини Самарқанд кўчаси 67-уй ёнида тўхтатди.

– Бу уйда ким яшайди? – юзланамиз ҳамроҳимизга.

– Биринчи гуруҳ ногирони, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Худойқул Тоғаев истиқомат қилади, – дейди Шермамат ака. – Вақти-вақти билан хабар олиб турамиз. Ижтимоий таъминот бўлими вакиллари яқинда бу хонадонга ташриф буюриб, отахонга пальто совға қилишди.

Шаҳар ижтимоий таъминот бўлимида 9875 нафар пенсия ва нафақа олувчилар бўлиб, уларнинг 6073 нафарини ёшга доир, 2657 нафарини ногиронлик, 369 нафарини болаликдан ногиронлик, 983 нафарини боқувчисини йўқотганлик бўйича нафақа олувчилар ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар Давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуни ижросини таъминлаш мақсадида соҳа ходимлари бир мунча ишларни амалга ошираяптилар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони асосида қайта ҳисоб-китоб қилинган ҳолда нафақалар муддатидан кечиктирилмасдан эгаларига етказилмоқда. Шунингдек, ижтимоий ёрдамни такомиллаштириш бўйича ҳам ибратли ишлар амалга оширилди. Пенсионерлар 100 фоиз диспансер кўригидан ўтказилди. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига қарашли санаторийларда 45 нафар пенсионерга йўлланмалар берилиб, уларнинг дам олишлари ташкил этилди.

Ногиронларнинг техник воситаларга бўлган эҳтиёжлари ўрганилиб, аравачалар, қўлтиқ таёқлар билан таъминланди. Якка-ёлғиз пенсионерлар ва ногиронларга қўшимча 1 миллион 882 минг сўмлик моддий кўмак берилди. Аҳолига пенсия хизматини такомиллаштириш бўйича ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Ижтимоий таъминот бўлими ходимлари вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг бевосита кўмаги билан эркин ишлашлари учун махсус бинога эга бўлдилар. Илгари ўқув муассасаси бўлган бино қайтадан таъмирлангандан сўнг ўзгача чирой бахш этиб, ишловчи ва пенсионерлар учун ҳам қулайлик яратилди.

Кези келганда шуни айтиш кераки, янги идоранинг шундоққина ёнгинасида жойлашган 3 қаватли бинода «Марварид» санаторий-профилакторий бўлиб, пахта тозалаш заводи ишчи-хизматчиларининг соғлиғини муҳофаза қилишга хизмат кўрсатар эди. Кейинчалик соғломлаштириш маркази фаолиятини тўхтатди. Мазкур бинони вазирлик ўз тасарруфига олиб, қайта таъмирлаб, кексаларнинг ажойиб дам олиш ва даволаниш масканига айлантириш имкони яратилса, нур устига аъло нур бўларди.

**Ш.СУЛТОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили*

# ҚИШЛОҚДА ТИББИЁТ МАСКАНЛАРИ

**Кейинги йилларда Тайлоқ туманида аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш бўйича диққатга сазовор ишлар амалга оширилди. Ҳусусан, тўрт йил ичида ҳомийлар кўмагида ва ҳашар йўли билан 11 та қишлоқ врачлик пунктлари ишга туширилди. Ҳозир туманда 15 та ҚВП фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг деярли барчаси замон талаблари даражасида жиҳозланган.**

— Сочакипоён қишлоқ врачлик пункти танлов якунига кўра 2004 йилда Осиё тараққиёт банки гранти асосида тўлиқ қайта жиҳозланди. Бу йил охирига қадар бошқа ҚВПлар ҳам жиҳозланиши режалаштирилган, - дейди туман марказий шифохонаси бош ҳакими ўринбосари Н.Баҳриев, - Улар малакали, хусусан, умумий амалиёт шифокорлари билан таъминланиб борилаяпти. Натижада аҳолининг бу тиббиёт масканларига муносабати ўзгарди. Беморлар асосан уларга мурожаат қилишмоқда. Шу ерда шифо топаётганлари туфайли туман марказий шифохонасига стационар даволанишга ўта муҳим беморларгина йўлланмоқда.

Тумандаги барча ҚВПларда шароит яхши. Ҳатто мослаштирилган бинолар ҳам тўлиқ қайта таъмирланди. Дори-дармон таъминотидаги узилишларга чек қўйилди. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг ташкил қилиниши доимий назоратда. Қишлоқ шифокорлари ўз олдиларига қўйилган вазифаларни кўнгилдагидек уддалашмоқда. Айниқса, тиббий-профилактик тушунтириш ишларининг самараси ўлароқ касалликларнинг олди олинишига эришилмоқда.

Айни пайтда туманда яна иккита Маданият ва Эски жума ҚВПлари ишга тушиши арафасида.

**Р.ҚУРБОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Бу ҳақда Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида гапирилган эди*

**Қашқадарё вилоят "Қишлоқхўжаликкимё" очиқ ҳиссадорлик жамияти Деҳқонобод туман филиали ходими Аннамаҳмат Саидов томонидан таҳририятга йўлланган шикоят хати корхонада йўл қўйилаётган камчиликлар, ходимлар учун қулай иш шароити яратилмаганлиги, раҳбарларнинг ўз вазифасини сидқидилдан адо этмаётганлиги, ойлик маошлар вақтида берилмаётганлиги хусусида эди. Ўтказилган суриштирув жараёнида мактубда келтирилган далиллар исботини топди.**

# СЕН МЕНГА ТЕГМА, МЕН СЕНГА...

## қабилидаги иллатлар тараққиётга жиддий тўғаноқ бўляпти

Етказиб берилган ўғитлар учун ҳисоб-китоб муддатида ва тўлиқ амалга оширилмаганлиги туфайли корхона иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолган. Шартнома ва молия интизомининг бузилишига йўл қўйилган. Тармоқда ишлаётган ходимлар учун етарли ғамхўрлик кўрсатилмаяпти.

Филиал мудири Абдувойит Уралов 2004 йилнинг 3 апрелидан эътиборан корхонага раҳбарлик қилаяпти. Тизим фаолияти бозор иқтисодиёти талаблари асосида ташкил этилмаганлиги туфайли дебитор қарзлари 55 миллион 73,3 минг сўмга етган. Шундан 48 миллион 52,7 минг сўми хўжаликлар, 7 миллион 20,6 минг сўми фермерлар ҳиссасига тўғри келади.

Олган маъданли ўғит учун "Деҳқонобод" ширкат хўжалиги 10 миллион 825 минг, Ҳожи Бегимқулов номли хўжалик 4 миллион 609 минг сўмлик тўловни амалга оширмаган. "Оқработ", "Қизилча", "Кўкбулоқ", "Қўнғирот", "Белибойли", Ибн Сино, М.Ибрагимов, Ҳ.Олимжонов номли хўжаликларнинг қарзи ҳам 1 миллиондан 5 миллион сўмгача яқинлашиб қолган. "Холиқ ҳожи", "Работ", "Иқбол", "Жайлов", "Али Саид", "Исматулло бобо", "Хожиқул бобо", "Хайрулло бобо", "Консой" сингари элликдан ортиқ фермер хўжаликларининг 200 мингдан 1 миллион сўмгача қарзи бор. Муддати ўтган қарзларни ундириш бўйича мутасадди ташкилотларга қилинган мурожаатлар натижа бермаяпти.

Корхонада Меҳнат Кодекси ва бошқа меъёрий ҳужжатлар, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги "Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори талаблари қўпол равишда бузилмоқда. Иш ҳақидан қарздорлик 2 миллион 118,4 минг сўмни ташкил қилади.

Аризачи Аннамаҳмат Саидов 422 минг 275, Чори Лаълиев 196 минг 650, Қурбоной Қурбонова 299 минг 213, Улуғбек Саидов 181 минг 820 сўм иш ҳақларини ҳозирга қадар олган эмаслар. Жамоа раҳбари А.Уралов, бош ҳисобчи А.Аҳмедов наҳотки ҳукумат қарорида идоралар, хўжалик бирлашмалари, мулкчилик шаклларидан қатъи назар корхона ва ташкилотлар раҳбарлари иш ҳақи ўз вақтида тўланиши учун шахсан жавоб бериши, муддати ўтказиб юборилган қарздорлик ҳосил бўлган ҳолларда айбдор шахсларнинг жиноий жазолашгача жавобгарлиги белгилаб қўйилганлигини тушуниб етишмаган бўлишса! А.Саидов ва Қ.Қурбоновалар ўзларининг тўланмаган маошлари, дивидендларини ундириб бериш бўйича Ғузор туман фуқаролик ишлари суди раиси О.Суюновга даъво аризалари киритганлар. Бундан ташқари, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси туманлараро давлат меҳнат ҳуқуқи инспектори С.Аннаев томонидан ҳам А.Саидов, Қ.Саидов ва Қ.Курбоноваларнинг тўпланиб қолган 735 минг 644 сўм иш ҳақини ундириш бўйича мурожаат этган. Негадир шундан кейин ҳам маошлар ундириб берилмаганлиги кишини таажжублантиради.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма вилоят кенгаши Қ.Қурбонова ва У.Саидовларнинг иш ҳақларини ололмай келаётганлиги ва маъмурият томонидан қулай иш шароити яратилмаганлиги ҳолати бўйича йўллаган аризасини ўрганганида келтирилган далиллар тўлиқ тасдиқланган. Кенгаш вилоят "Қишлоқхўжаликкимё" очиқ ҳиссадорлик жамияти раиси номига филиалда аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш ҳақида" 2005 йил 21 февралда тақдимнома киритганига қарамасдан ҳеч қандай чора-тадбир белгиланмаган.

Филиал раҳбарияти қўл қовуштириб турмасдан қўшимча манбаларни излаб топса айни муддао бўлар эди. Хўжалик ҳисобида умумий миқдори 6 миллион сўмликдан зиёд техника воситалари бор. Тракторларнинг 3 таси ижарага берилиб, арзимаган миқдорда, яъни 60 минг сўмлик маблағ туширилган, холос. Техниканинг кўп қисми ишдан чиқиб, қаровсиз ҳолга келиб қолган. Жамоа мулкига лоқайдлик ва эътиборсизлик туфайли мавжуд механизмлар кучидан самарали фойдаланилмаяпти.

Ўтган икки йил мобайнида 16 миллион 496 минг 500 сўмлик минерал ўғитлар олинган ва хўжаликларга тарқатилган. Етказиб берилган маҳсулот пулининг тўланиши таъминланмасдан туриб хўжаликларга ўғит тарқатилганлигини қандай баҳолаш мумкин?

Президентимиз Халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, раҳбар дегани кимгадир кескин талаб қўя олиши, керак бўлса, қаттиққўллик кўрсатиб, қатъият билан иш олиб бориши, ўзини ҳам, бошқаларни ҳам аямасдан, кўпчиликни ибрати билан ортидан эргаштириши, одамларга эртанги кунга ишонч уйғота олиши лозим. Лекин сен менга тегма, мен сенга тегмайман, деган кайфият билан яшайдиган, бировнинг мушугини пишт, дея олмайдиган раҳбарни бугун замон мутлақо қабул қила олмайди.

Филиал раҳбарияти аввало ўзларига нисбатан талабчанликни ошириб, ходимлар манфаати тўғрисида ғамхўрлик кўрсатганида, муаммоларни ечиш йўлларини излаб топганда, бундай ачинарли аҳвол вужудга келмаган бўлур эди.

**И.ҲИКМАТОВ,**
**"Ишонч" мухбири**

